# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 21 октябрь, №215 (3327) Сешанба


## Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

*Брюссель шаҳрида иқтисодиёт, савдо ва сармоялар бўйича «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» кичик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ, Ўзбекистонда ЕИнинг иқтисодий фаолиятини жонлантириш, сармоявий муҳитни ривожлантириш бўйича тадбирларни ўтказиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ҳамда Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида томонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.*

Европа томони иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бозор иқтисодиёти талаблари асосида институционал ривожланиш, ташқи савдони эркинлаштириш, сармоявий муҳитни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон амалга ошираётган саъй-ҳаракатлардан қониқиш ҳосил қилаётганлигини билдирди. ЕТТБнинг Тошкентда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида изҳор этилган тавсияларнинг бажарилиши нақадар муҳимлигига эътибор қаратилиб, ЕИ билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида мамлакатимизга ислоҳотларни чуқурлаштиришга кўмак беришга тайёр эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Европа томони Ўзбекистоннинг халқаро молия ташкилотлари, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси билан мустаҳкамланаётган ҳамкорлик алоқаларини алоҳида қайд этди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг ташқи савдони эркинлаштириш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва республика экспорт салоҳиятини диверсификация қилишга қаратилган чора - тадбирлар ишлаб чиқиши Европа томонидан юқори баҳоланди.

Фикр алмашиш жараёнида транспорт йўлакларини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш билан бирга, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакат йўлларини таъмирлаш ва ирригация иншоотларини қайта қуриш лойиҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Божхона соҳасидаги ҳамкорлик масаласида тўхталиб, Европа томони Ўзбекистон томонининг муайян эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, республика божхона ва чегара хизматларини ривожлантиришга кўмак беришга ўзининг тайёрлигини яна бир карра таъкидлади.

Умуман, томонлар Ўзбекистон эҳтиёжларини яхшироқ тушунишни таъминлаш ва Европа Иттифоқи томонидан кўмак берилиши мумкин бўлган йўналишларни белгилаш мақсадида экспертлар даражасида мулоқотни давом эттириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш заруратини эътироф этдилар.

**"Жаҳон" АА.**

# Тармоқ барқарорлиги — асосий вазифа

*Анжуман*

Кеча Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида "Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари" мавзусида икки кунлик халқаро илмий -амалий конференция иш бошлади. Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида вужудга келаётган муаммолар атрофлича муҳокама этилмоқда.

Таъкидландики, республикамиз қишлоқ хўжалигида вужудга келган қатор муаммолар соҳанинг барқарор ривожланишига халақит бермоқда. Улар жумласига ер, сув ва қишлоқда тез суръатлар билан ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мулкдорлар синфининг шаклланиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бозор шароити ва иқтисодиётни эркинлаштиришга мослашиши, самарадорликни ошириш ва хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтиш муаммоларини киритиш мумкин. Масалан, деҳқон хўжаликларида ер ва сувдан самарали фойдаланиш ширкат хўжаликларига нисбатан 3-4, фермер хўжаликларига нисбатан 1,5-2 баравар юқори бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда пахта ва ғаллани алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Тупроқдан олинаётган озуқа моддаларининг ўрни қопланмаяпти. Натижада охирги ўн йилда республика бўйича тупроқ унумдорлиги уч баллга пасайиб, бу кўрсаткич Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида етти баллга, Самарқанд, Фарғона вилоятларида эса 10 баллга етди. Бундай аҳвол ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келаётир. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги беш центнерга камайди. Буни, ғалладан ташқари, барча экинлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу, табиийки, тармоқ иқтисодиётининг барқарор ривожланишига салбий таъсир қилмоқда.Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар ўз маърузаларида ана шу каби масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

**Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## *21 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинган кун*



*«Тил, фақат сўзлар шакли эмас. Тилимиз ҳам Ватанимиздир. Чунки юрт тупроғидаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир гул, тоғу тошлар, дов-дарахтларнинг ҳам ўзбек тилида жаранглайдиган ўз номи бор». — дейди Термиз шаҳридаги академик лицей талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Азиза Шоймардонова.*

*Ҳа, мурғак қалбида Ватан, миллат шуҳрати шаклланиб бораётган, она тилимизни қадрлаб, улуғлаётган бундай ёшлар мамлакатимиз келажаги, халқимиз орзу умиди.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

*АНДИЖОН (ЎзА мухбири С. ШУКУРОВ).*

Жалолқудуқ тумани пахтакорлари Андижон вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Давлат хирмонига 19880 тонна пахта топширилди. Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 29,5 центнерни ташкил қилди.



— Бу йил осон келмади, — дейди туман ҳокими М. Эгамова.

— Баҳорги ёғингарчиликлар чигитни бир неча марта такрор экишга мажбур қилди. Деҳқонларимиз далада ўз кучини аямасдан меҳнат қилгани учун улардан миннатдормиз.

Туман пахтакорлари йиғим-терим суръати юқори бўлгани боис қисқа вақт ичида мавсум илғорларидан ўзиб кетди. Айрим кунлари терим суръати режанинг беш фоизини ташкил этди. Туман ҳозир ҳам ушбу кўрсаткич бўйича вилоятда пешқадамлик қилаётир. "Ғайрат" ширкат хўжалиги Жалолқудуқ туманида ўз мажбуриятини биринчи бўлиб уддалади. Туман пахтакорлари ғалаба маррасига етган куни режани 30 фоиздан оширди. Йиғим-теримда "Қатортол", "Пахтакор", "Ерқишлоқ" каби хўжаликлар хирмонга салмоқли ҳисса қўшди.

# Виждонинг пахтадек соф бўлса...

Яқинда муборак саксон ёшини нишонлаган улуғ адиб Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асарида ибратли бир ривоят бор. Унда дардга чалинган ота «Ўғлим пешона тери билан пул топиб келса, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетаман!» деган фикрни билдиради. Танбал ўғилга аввал яқинлари, кейин қариндошлари пул беришади. Ота уларни улоқтириб юборганида, ўғил пинагини ҳам бузмайди. Аммо ҳайҳотдек отхонани тозалаб, минг машаққат эвазига пул топиб келганида, отасининг қўлидаги яна улоқтиришга шайланган маблағга шердек ташланади...

Қиссадан ҳисса шуки, биз бир туп ғўзани ўстириш учун, бир чаноқ пахтани етиштириш учун қанчадан-қанча тер тўкамиз, неча марта белимизни букамиз, неча бора офтобнинг тиғи остида унга қалб қўри, кўз нурини берамиз. Мен жамоа хўжалиги раиси бўлганман. Пахта заҳмати менга бегона эмас. Кимлардир уни ўмариб, мўмай пулни қўнжига уриш учун чегарадан «дарча» ахтарса, кимдир қоп-қоп кўсакни сўқимга боққан молига едирса, бу на қонунга, на имонга тўғри келади. Эсимда, қаҳратон қишда, фашистлар билан қақшатқич олишувлардан бирида Ўзбекистондан бизга иссиқ кийимлар борганида, уларни кийиб йиғлаб юборганмиз. Фақат кийимларнинг иссиқ бўлгани учун эмас, уларда пахтамиз ҳиди, она-тупроқ тафти, бизга омонлик тилаб тер тўккан ота-оналаримиз, опа-сингилларимизнинг қўл изи, Ватан нафаси бўлгани учун кўзимизга ёш олганмиз. Ана шу «оқ олтин» бугун мамлакатимиз қудратига, халқ манфаатларига хизмат қилиши керак, айрим олғирларнинг ошиғига олчи бўлмаслиги лозим.

Ҳукуматимизнинг «2003 йил ҳосили пахта хомашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини тўққиз яшар болакайдан бошлаб биз, тўқсонга яқинлашган қариялар ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Пахта хомашёсини ўғирлаш, пинҳона пуллаш пайига тушганларга қарата айтадиган гапимиз битта: виждонинг пахтадек оқ бўлсин, унга қора доғ туширма!

**Жумабой ХЎЖАМУРАТОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, Беруний туманидаги Қиётобод қишлоғи.**

*Имконият*

# ЭРКИН МУОМАЛА, ЭРКИН ҲАРАКАТ

Қайси тадбиркору ишбилармон билан гаплашманг, муаммолар тўғрисида фикр юритилса, гап эркин муомаладаги валютага бориб тақаларди. Эндиликда мамлакатимизда жорий халқаро операциялар бўйича сўмнинг валютага эркин алмаштирилиши барча тўсиқларни батамом сидириб ташлади.

— Илгари минг машаққат билан шартнома тузиб, четдан товар олиб келардик, — дейди Фарғона шаҳридаги «Малҳам» кўп тармоқли фирмаси раҳбари Набижон Азимов. — Конвертациялашга келганда эса, муаммолару тўсиқлар ғов бўларди. Энг ёмони, хорижлик ҳамкорлар олдида бебурд бўлиб қолганимиздан уялардик. Бугун жорий халқаро операциялар бўйича сўмимизни валютага эркин алмаштириб олаяпмиз. Бундай қулайликни яратиб берганларга минг раҳмат!

— Бизнинг фирмамиз асосан дори-дармонлар олди-сотдиси билан шуғулланади, — дея суҳбатга қўшилади фирманинг чет эллик сармоядорлар билан ишлаш бўйича менежери Ғайратжон Азимов. — Биласизми, сўмни ўз вақтида конвертация қилиб бера олмаганимиз учун хориждаги «Гедион Рихтер», «Лен», «Буфер гипсен», «Циех» сингари нуфузли фирма ва компаниялар биздан этак қоқиб кетишди. Ҳозирда шароит ҳам, имконият ҳам ўзгарди. Шу боис эски ҳамкорларимизни бизда валюта бозори эркинлашганидан тезда хабардор қилиб, алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилаяпмиз.

Эътиборли жиҳати шуки, сўмнинг валютага эркин алмаштирилиши йўлга қўйилган куннинг эртасигаёқ фирма Буюк Британиянинг «Гринфорт» фирмаси билан манфаатли ҳамкорлик асосида шартнома имзолади. Тегишли ҳужжатлар тахт ҳолда банкка топширилгач, ўша куниёқ валюта алмаштириш билан боғлиқ барча муаммолар ҳал бўлди.

Фарғона вилояти Марказий банки бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Содиржон Усмонов шундай дейди:

— Мамлакатимизда валюта сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган амалий тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, чет эллик сармоядорлар, хорижлик ҳамкорлар билан иш олиб бораётган юртдошларимизнинг қўллари ечиб юборилди. Бизнинг банкимиз ва тижорат банкларига маслаҳат, фикр сўраб, қизиқиб келаётганлар сони кундан кунга ортиб бораётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Айни кунларда вилоятимиздаги 73 та валюта алмаштириш шохобчаси қизғин фаолият юритмоқда. Агар ушбу шохобчаларда бир ҳафта аввал 10-12 минг доллар валюта алмаштирилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 50-60 минг долларга етди. Энг муҳими, шохобчаларнинг ҳаммаси етарли миқдорда хорижий ва миллий валюталар билан таъминланган.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

*«Шоли-2003»*

# Янгибозорликлар маррада

**Туман деҳқонлари йил давомида баракали меҳнат қилиб, шолидан мўл ҳосил етиштирдилар. Бунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёрдам берди. Жорий йил бошида Янгибозор туманидаги 11 та ширкат хўжалиги ўрнида 1046 фермер хўжалиги ташкил этилди. Натижада ер ўз эгасини топди. Куни кеча миришкор деҳқонлар вилоятда биринчи бўлиб давлатга шоли сотиш режасини ошириб бажардилар. Улар давлат хирмонига 1082 тонна сара дон топширдилар. Ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этди.**

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Пойтахтимизда



# Ўзбекистонда Ҳиндистон кўргазмаси

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ж. РАУПОВ).*

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Ҳиндистоннинг "SAVERS-IMPEX" компанияси билан биргаликда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Экспортни ривожлантириш кенгаши ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этган "SAVERS MINITECH International ExpoTashkent 2003" кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.

Унда Ҳиндистоннинг тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, матбаа ва қадоқлаш буюмлари саноати учун ускуналар ишлаб чиқарувчи 35 та йирик компанияси иштирок этди.

Кўргазма қатнашчиларига қулайлик яратиш учун "Ўзбеклизинг Интернешнл", "Ўзқишлоқмашлизинг", "Бизнес-фонд", "Барака лизинг" каби республиканинг йирик ташкилотлари шартномалар тузиш ҳамда ускуналар ва технологиялар харид қилишда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда маслаҳат хизматлари кўрсатишни ташкил этди.

Кўргазма-савдонинг муваффақиятини шундан ҳам кўриш мумкинки, қисқа муддатда ўтказилишига қарамай унга республиканинг барча ҳудудларидан турли ташкилотларнинг 2000 дан ортиқ вакили ташриф буюрди. Кўргазмага қўйилган барча ускуналар сотилди, Ҳиндистон компанияларининг умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг 300 турдаги ускуна ва технологияларини сотиб олиш ҳақида англашув баённомалари имзоланди.

Бундай халқаро кўргазмаларнинг ўтказилиши тадбиркорликни ривожлантириш ва ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг чет эл бозорларида сотилиши, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ўзлаштиришга хизмат қилади.

Жойлардан хабарлар

## Қишлоқда спорт шаҳарчаси

**Вобкент туманидаги Гавстобон қишлоғида янги спорт шаҳарчаси бунёд этилди. Шаҳарчада ёшларнинг спорт машғулотлари билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилди. Октябрь ойининг сўнгги ҳафтасида мазкур шаҳарчада туман маҳаллалари футбол жамоаларининг мусобақаларини ўтказиш мўлжалланмоқда, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.**

## Ғолиблар тақдирланди

**Хабарингиз бор, газетамиз саҳифаларида йилнинг энг яхши дарсликлари ва ўқув адабиёти танлови ғолиблари эълон қилинганди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ана шу ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

**Танловга ижтимоий, табиий ва махсус фанлар бўйича 170 дарслик ва ўқув адабиётлари келиб тушганди. Шулардан К.Ярашевнинг "Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш", М.Муқимовнинг "Трикотаж технологияси", Ё.Абдуллаевнинг "Статистика назарияси" ўқув адабиётлари алоҳида таъкидланди.**

**Ғолибларга махсус дипломлар топширилди.**

**Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.**

## «Қоплон» қандолатлари

**Қорақалпоғистонда «Қоплон ЛТД» тамғаси билан турли хил қандолат маҳсулотлари чиқариладиган бўлди. Бунга Шуманай туманидаги «Жамол» фермер хўжалиги ва Туркиянинг «Умид пластик» компаниялари ҳамкорликда ташкил этган «Қоплон ЛТД» қўшма корхоналари имкон яратди. Корхона шу йилнинг охирига қадар тўла қувват билан ишлай бошлайди.**

«Халқ сўзи» назоратида

# Ҳақиқат қарор топди


Суддан бехабар қолган фермер

Ёдингизда бўлса, азиз муштарий, "Умид" фермер хўжалиги раиси Ҳ.Ҳамроева устидан, унинг ўзи билмаган ҳолда, Қашқадарё вилояти хўжалик суди ҳал қилув қарори чиқарилгани ҳақидаги мақола (14 август, 2003 йил) газетамизда «Суддан бехабар қолган фермер» сарлавҳаси остида эълон қилинган эди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятга келган расмий жавобда жумладан шундай дейилади: "**Мақолада тилга олинган Қашқадарё вилояти хўжалик суди томонидан 18-0307/0825-сонли иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъати томонидан бекор қилинди. Ва янги қарор қабул қилиниб, "Хўжаберди" фермер хўжалигининг даъвоси рад этилди. "Умид" фермер хўжалигидан 25 миллион сўмлик зарар ундирилмайдиган бўлди. Қашқадарё вилояти хўжалик суди судьяси Я.Бозоровга нисбатан шу иш юзасидан моддий ва процессуал нормаларни қўллашда хатоликларга йўл қўйганлиги учун интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатилди.**

**Шунингдек, гарчи мақолада фермер суд жараёнидан бехабар қолганлиги хусусида ёзган бўлса-да, аслида у суддан хабардор бўлган. Чунки иш унинг иштирокида сайёр суд мажлисида Баҳористон туманида кўрилган. Лекин ҳал қилув қарори қабул қилинган кунда Ҳ.Ҳамроева огоҳлантирилган бўлишига қарамай суд жараёнида қатнашмаган.**

**Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари М.АЗИМОВ".**

# ЯПОНИЯДА МАЛАКА ОШИРИШДИ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).*

Мамлакатимизнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги бир гуруҳ ўқитувчилари "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасига биноан Японияда малака ошириб қайтди.

2001 йилнинг 31 январида Япония Халқаро ҳамкорлик банки — JBIC Ўзбекистон ҳукуматига таълим соҳасини ривожлантириш учун кредит ажратган эди. Мазкур кредит асосида JBIC ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан ҳамкорликда молиялаштирилган ушбу лойиҳа қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун замонавий техника, лаборатория ва компьютер жиҳозлари етказиб бериш, дарслик ва ўқув материаллари нашр этиш ҳамда техник ҳамкорликни қамраб олган.

Қишлоқ хўжалигига оид касб-ҳунар коллежларига жиҳозларнинг келтирилиши асосан етти йўналиш — агрономия, ўсимликшунослик, чорвачилик, ветеринария, қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳаларидан иборат. Шу билан бирга касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва педагоглар Японияниң Токио шаҳри ҳамда Миязаки префектурасида янги жиҳозларда иш олиб бориш бўйича ҳам малака оширади.


Обуна 2004

**Кечга қолган армон қилур**

*Муҳтарам газетхон!*

**Ўзингизга маълумки, 2004 йил — Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар йили.**

**Бунинг учун:**

*— ислоҳотлар моҳиятини ифода этувчи Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва мамлакат парламенти қабул қилган қонунларни яхши билишингиз;*

*— депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишишингиз;*

*— Ўзбекистонда ва жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишингиз* ЗАРУР!

**«Халқ сўзи»** ана шу эҳтиёжларингизни тўлиқ қондирадиган кундалик нашрдир.

*Муҳим иш кўп, муҳимлардан*
*Ичра муҳими — билинг:*
*Обунада ҳеч кечикмай*
*«Халқ сўзи»га ёзилинг.*

**Нашр индексимиз — 229**

## 21 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинган кун

*Бир марта яшайдиган дунёда инсон ўз қисматига ўзи эга бўлиб, ўзгага муте бўлмасдан, бош кўтариб, озод-эмин яшасин экан. Ўз она тилингда сўзлаб, ўз Оллоҳингга сиғиниб, ўз ибодатингни ошкора адо этолмасанг, ўз ота-онангни ўз удуминг билан кўмолмасанг... бу дунёга келмаганинг ҳам маъқулроқ экан.*

*Биз шундай кунларни бошдан кечирдикки, ҳозирги ёшлар тинглаб ёқа ушласалар, ажаб эмас.*

*Муҳтарам ўқувчим! Менинг ушбу ўкинчли оҳангда бошлаган сўзларимни зинҳор базинҳор ўтган кундан нолиш, умрини яшаб бўлган тузумга яна бир тош отиб қўйиш деб англаманг.*

*Сен ўтмишга тош отсанг, келажак сенга замбарак отади, деган ҳикмат бор. Лекин кечаги кун хатоларидан сабоқ чиқариш хайрли ишдир. Айниқса, ушбу хатолар ҳозирда ҳам тузатилмаган бўлса.*

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

# ОНА ТИЛИМ

### Э, ўзимиз эканмиз-ку!..

Олтмишинчи йилларнинг охирида Ғафур Ғулом номли нашриётда ишлар эдим. Бош муҳарриримиз Тоҳир Иброҳимов партком котиби эди. Кунлардан бир кун у партия мажлисини, ўрнатилган тартибга кўра, рус тилида ўтказаётиб қайсидир бир атаманинг русчасини тополмай қолди. Бир-икки дақиқа «Та-а-к, та-а-к» деб турди-да, бирдан юзи ёришиб кетди ва ўзбек тилида «Э, ўзимиз эканмиз-ку, нега энди мен ўзимни қийнаб русча гапиряпман», деб юборди. Дарҳақиқат, мажлисда бирорта русийзабон йўқ экан. Ҳаммамиз кулдик. Мажлис ўзбек тилида давом этди.

Ўшанда биз кулдик. Лекин у ҳолат замоннинг, миллатнинг, бир эмас, бир неча авлоднинг фожеаси эди. Ўзбекистон деб аталган юртда ўзбек тили қуйи даражадаги тил, авом тили ҳисобланди, юксак минбарлардан, илмий, маърифий анжуманлардан қувғин қилинди. Дунёнинг олтидан бирини эгаллаган улкан мамлакатда узоқ йиллар давомида муттасил, куч ва босим билан олиб борилган катта сиёсатнинг меваси эди бу. Оқибат шу даражага етдики, ўзбеклар ўз фарзандларининг келажагини ўйлаб, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дегандек уларни рус мактабларига бердилар.

Эсимдан чиқмайди: ёшлик йилларимиз эди. Олжас Сулаймонов Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Ўзбекнинг ёш шоирлари, машҳур қозоқ шоирининг дўстлари уни бир неча кун диёримиз бўйлаб олиб юрдик, шеърхонлик учрашувлари ўтказдик. Шундай учрашувларнинг биридан сўнг дастурхон устида Олжас алам ичида шундай деган эди: «Мен қозоқнинг шоири нега русча ёзаман? Ўз она тилимда яйраб ёзсам, яйраб шеърлар ўқисам бўлмайдими? Афсуски, халқимнинг ёш авлоди, менинг тенгдошларим қозоқ тилида китоб ўқимай қўйган. Олмаотада якка-ёлғиз бир дона қозоқ мактаби қолди. Бу менинг ҳеч тузалмас дардим, оғриғим». Шундай деб туриб, Олжас юзини дарча томонга ўгирганча кўзига қалққан ёшни беркитиб бир муддат жим қолган эди.

Шоир кўнглидаги ўша дард барчамизнинг қалбимизда бор эди. Шўро юртида барча миллий тилларнинг қисмати олдиндан белгилаб қўйилган эди. Билмадим, агар мустақиллик бўлмаганда — мен муқаддас сўзларни кўп такрорлаб қадрини туширишни истамайман, аммо виждон сўзини айтишим керак — мустақиллик бўлмаганда ўзбек тили ҳам ўттиз-қирқ йил ичида батамом истифода қилинмай, унут бўлиши тайин эди. Энг таассуфли ҳолат шуки, бу жараённинг бош идеологлари Москвада бўлсалар ҳам, фаоллари, камарбаста ижрочилари ўзимизнинг ичимизда эди.

Ўша нашриёт котибининг сўзларига мажозий маъно бериб, «Ўз она тилимизни юксакка кўтарган ҳам, уни хор қилган ҳам ўзимиз эканмиз-ку», десак тўғри бўлади.

Шу ўринда бир илова лозим.

Ўзимиз етарли даражада қадрламаган ўзбек тили шўро замонида ҳам Америка, Япония, Европа мамлакатларида ўрганилар эди. Илза Сиртаутас, Эдуард Олворт, Андраш Бодроглигети (АҚШ), Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмифел (ГФР), Кисао Комацу (Япония) каби атоқли профессорлар томонидан она тилимиз таҳлил қилинган ва ўқитилган. Мустақиллик йилларида улар билан дўстона алоқамиз мустаҳкамланди, янги маъно касб этди. Ўша йилларда ёзилган шеърдан:

***Термуламан Илза хонимга,***
***Кўзларимга ишонмай ҳайрон.***
***Амриқолик хушрўй олима***
***Сўзлар эди ўзбекча равон...***
***Келинг, Сизни она юрт учун***
***Фидолар бир тинглаб қувонсин.***
***Бу қувончдан лекин бир умр***
***Жудолар ҳам тингласин, ёнсин.***
***Ўз элати меҳридан дилин***
***Ёт тутганлар Сизни эшитсин,***
***Ўз юртида ўз она тилин***
***Унутганлар Сизни эшитсин.***

(1989).

Она тилимизга давлат мақоми берилган кунга ўн тўрт йил тўлган бу кунда олисни кўрабилган ўша улкан қалб эгаларига, Ўзбекистоннинг хориждаги энг яқин дўстлари бўлган олимларга табрик, салом ва миннатдорлик сўзларини йўлласак арзийди. Негаки улар хорижда ўзбек тилини тарғиб қилиш баробарида элимиз қадрини ҳам кўтарганлар.

Яна бир гап. Тақдир тақозоси билан рус мактабларида ўқиб, русча таълим олганлар ичидан ўзбек тилининг энг курашчан жонкуярлари чиқдилар. Машҳур санъатшунос Ҳамидулла Акбаров, менинг курсдош дўстим, рус филологияси факультетини тугатган. У ўзбек санъати, тили, адабиётининг куюнчак тарғиботчиси.

Шунингдек, бир қанча давлат арбобларимиз, академикларимиз, ижод соҳибларимиз борки, рус мактабидан улар чуқур билим баробарида ўз миллати, ўз она тилига муҳаббат туйғусини ҳам олиб чиққанлар. Шундай олижаноб юрт фарзандларидан бири мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовдир.

### Тил фидойилари, қаердасиз?

Она тилимизнинг қадр-қиммати учун кураш, унинг Давлат тили деб эълон қилиниши учун зиёлиларимиз кўрсатган ғайрат ва матонат ўзи бир тарих. Бу ҳаракат Ватан мустақиллиги учун олиб борилган кенг кўламли курашнинг узвий бир қисми эди. Халқимиз иродаси, ўша вақтда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби бўлган Ислом Каримовнинг дадил қўллаб-қувватлаши билан Ўзбек тили 1989 йил 21 октябрь куни юртимизда Давлат тили мақомига эга бўлди. Ушбу ҳодиса истиқлол йўлидаги дастлабки ва муҳим қадам эди.

Ўша қалтис ва шукуҳли йилларнинг жўшқин баҳсларига, ижод аҳлининг жонбозлигига шоҳид бўлган бир қаламкаш сифатида бугун афсус ва ўкинч билан ўйлайман: Она тилимиз фидойилари қанилар? Ҳар йили 21 октябрни табаррук кундай нишонлашимиз, тил байрамларини ўтказишимиз дуруст. Лекин Она тилимизни бойитиш, атамалар устида ишлаш, чет тилларидан кирган сўз ва терминларга муносиб ўзбек сўзларини топиш устида ғайрат ва жонбозлик кўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, тилга Давлат мақомининг берилиши узоқ йиллар давом этадиган, барча касб эгаларининг сафарбарлигини, айниқса зиёлиларнинг тинимсиз меҳнатларини талаб қиладиган умуммиллий жараённинг бошланиши холос. Ушбу кўламли меҳнат Фанлар академияси ёки Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган Атамалар қўмитасининг ўзи амалга ошираддиган иш эмас. Тилимизни чинакам давлат тилига айлантириш умуммиллий жонкуярликни талаб этувчи вазифадир.

### Нелар топдик, нелар йўқотдик?

Ўзбек тилининг чинакам бойлиги ва қудрати росмана ўрганилмаган. Тилимиз дунёнинг энг зангин ва рангин тилларидан биридир. Негаки, у буюк турк тили негизида таркиб топган, араб, форс тилларининг бой хазинасини кенг миқёсда истифода этган, халқаро атамалардан баҳраманд бўлган, рус, хитой, мўғул тилидан сўзлар олиб бойиган тилдир.

Ўзбек тили каби сўз ясаш имконияти кенг, шеваларга ва синонимларга — маънодош сўзларга бой тил ҳам дунёда кам. Бежиз эмаски, аския санъати — зукколик, закийлик баҳси ёлғиз ўзбек тилида мавжуд бўлган бетакрор анъанадир.

Лекин афсуски, ўтган аср давомида «Девони луғатит турк»да улуғланган, «Муҳокаматул луғатайн»да тавсифланган тилимиз бойиш ўрнига камбағаллашди. Тилшуносликда «арабизм», «форсизм»га қарши, адабиётда «сарой тили», «кибор тили»га қарши авж олдирилган кураш, йўқсил тили йўқсилча дегандек, охир-оқибат кенг халқ оммасини Навоий ва Фузулийдан, Огаҳий ва Машрабдан узоқлаштирди. Уларни ўқиб тушунмаслик даражасига етиб келдик. Эсимда бор, олтмишинчи йилларда ёзган кўпгина ғазалларим муҳаррирлардан бир сабабу баҳона билан қайтарди: тили мураккаб, қийин, халқ тушунмайди. Матбуот ходимларининг ўзига хос «мантиқи» кўпинча шундай бўлар эди: зиёли бўлатуриб менки тушунмасам, оддий ишчи-деҳқон қандай тушунсин?

Аслида тувакда ўсган гул каби ўз идорасидан ташқарини билмаган, халқ турмушидан узоқ бўлиб қолган ўша муҳаррирдан кўра оддий ишчи-деҳқон сўзга бойроқ, зуккороқ, фаҳмлироқ бўлган. Лекин пролетар мафкурасининг дастёрлари ўз ғояларини оғишмай амалга оширдилар. Мана шу ғоя билан мумтоз шоирларимиз қўллаган сўзлар адабий тилимиздан бир-бир чиқиб кетди, тилимиз бир инсон умри давомида батамом «ишчи-деҳқон тили»га айланиб бўлди.

Бу-ку шўро сиёсатининг оқибати эди. Тарихий қадриятларни тиклаш бўйича улуғ ишлар қилинаётган бу кунда ҳам ўша фақирона дунёқарашнинг мавжудлигига нима дейсиз? Ҳали ҳамон тилимизга кирабошлаган «бекат», «тайёра», «туман» каби сўзларни кулги қилиб, «остановка», «самолёт», «район» дейишга халқ ўрганган, янги сўз топишнинг нима кераги бор, дегувчилар камми? Агар бундай дунёқараш ўтган аср бошида яшаган маърифатпарвар жадидлар орасида ҳам ҳукмрон бўлганда, бугун бир газетамизнинг номи «Қишлоқ правдаси», бир журналимиз номи «Жаҳон литератураси», бир жамоатчилик марказимиз номи «Духовность ва просвещение» бўлар эди. Бир вақтлар Чингиз Айтматов қирғиз тилида «ҳақиқат» деган сўзнинг йўқлигини айтиб фарёд қилган эди. Мустай Карим газеталарнинг бирида босилган мақола сарлавҳасини айтиб даврани кулдирган эди: «Советлар Россиясинда крестьянлар положениеси»!!

Кулгили сарлавҳа. Лекин бошқалардан кулмайлик-да, ўз тилимизга эътибор берайлик. Ҳаммамиз ҳам рус сўзларини аралаштирмасдан гапирамизми?

Бир замонлар Фарғонанинг йўлларида бир гуруҳ ёш ёзувчилар шу мавзуда баҳслашиб қолдик. Мен бир ўйин таклиф қилдим: ким гапида рус сўзини ишлатса, бир сўм штраф тўласин. (Ўша вақтда бир сўм ҳам пул эди) Одатда гаров ўйнашни яхши кўрадиган Ўткир Ҳошимовга таклифим ёқиб тушди ва дабдурустдан: «Давай, ўйнаймиз»! деб юборди. «Қани бир сўм давай» — дедим мен ҳазиллашиб. Аввал сиз тўлаб қўйинг, деди Ўткир, — штраф эмас, жарима дейиш керак эди. Шундай қилиб Фарғонага етгунимизча бир зиёфатнинг пули йиғилди.




Тайёрада тўқилган шеър:

***Парвоз чоғи тайёранинг***
***дилбар келини***
***Кўк юзини бизга тахти***
***Сулаймон қилди.***
***Лекин эълон ўқиганда***
***ўзбек тилини***
***Давлат тили***
***бўлганига пушаймон қилди.***

Ўзбек тилининг бугунги даражаси, туркий тиллар ичида тутган мавқеи учун биз кўп жиҳатдан ўтган аср бошида яшаган зиёлилардан миннатдор бўлишимиз керак. Улар ўзбек тилининг сўз ясаш имкониятларидан дадиллик билан фойдаландилар, халқда миллий ғурур, она тилига ҳурмат туйғусини тарбия қилдилар. Ҳали руслаштириш сиёсати авжига чиқмасдан илгари юзлаб, минглаб русча ва байналмилал сўзларни ўзбекчалаштириб улгурдилар. Биргина тилшунослик билан боғлиқ атамалар қанча! «От», («отоқли ва турдош от»), «Сифат», («сифатдош»), «Сон» («Саноқ сон», «тартиб сон»), «Олмош» («Кишилик олмоши», «кўрсаткич олмош»), «Равиш» (Равишдош), «Келишик қўшимчалари» (Бош келишик, қаратқич, тушум келишиклари)...

Ўқув қўлланмаларини эсланг: сиёҳдон, ўчирғич, чизғич, бир чизиқ дафтар, катак дафтар, қаламдон, бўр ва ҳоказо. Ахир юқорида келтирилган сўзларнинг ҳам байналмилал ёки русча номлари бўлган. Тайёр сўзларни қабул қилса бўлар эди. Ҳам осон, ҳам бошоғриғи кам бўларди. Лекин ўша замон зиёлиларининг ижодий жасорати боис биз бугун шундай бой мулкка эгамиз. Ўша атамалар аллақачон онгимизга жойлашиб, ўзимизники бўлиб кетганки, биз уларни кимдир излаб топганини, яратганини, баҳсу мунозаралар билан қабул қилинганини ўйламаймиз ҳам. Ваҳоланки, тилга бир янги сўзнинг кириши енгил жараён эмас.

### Жаҳон тажрибаси ва «изм»лар

Она тилини бойитиб бориш соҳасида турли мамлакатларнинг турли хил тажрибалари бор. Араб давлатларида, масалан, арабчалаштириш марказлари мавжуд. Бу марказларда вақти-вақти билан барча араб давлатларининг тилшунос олимлари тўпланиб турадилар. Улар тилда пайдо бўлган янги сўз ва ибораларнинг арабча ифодасини излайдилар ва кўп таклифлардан бирини асосан яширин овоз йўли билан қабул қиладилар. Шундан сўнг янги сўз ёки ибора қонуний кучга киради. Уларни ҳаётда татбиқ этиш тартиби ҳам ўзига хос. Масалан, идеология ифодаси учун «мафкура» сўзи қабул қилинса, бир йил давомида матбуотда «идеология» ёнида қавс ичида «мафкура» сўзи ҳам ёзилади. Иккинчи йил эса «мафкура» ёнида қавс ичида «идеология» ёзилади. Учинчи йилдан «мафкура»нинг ўзи ёзилади.

Тилни бойитиш кенг халқ оммасидан ташаббускорликни, олиму мутахассислардан ижодкорликни, янги сўзни ҳаётга киритувчи мутасаддилардан хайрихоҳликни, ўзбекчалаштиришга бўлган қатъий иродани талаб этадиган катта савобли ишдир. Агар биз «интернационализм»га садоқатимизни намойиш қилиб, «атом» бор-ку, «зарра»нинг кераги йўқ, десак, «арабизм», «форсизм»дан ҳазар қилсак, энг ёмони янги маъқул сўз таклиф қилганни қўллаб-қувватлаш, тарғиб қилиш ўрнига унинг устидан кулсак, биз турган еримиздан қўзғалмай тураверамиз. Ҳар қандай янги сўз токи ўрганиш бўлиб кетгунча ғайритабиий туюлади. Сўзнинг сингиб кетиши ҳам вақт талаб қилувчи иш. Абдулла Қаҳҳор ўз асарига «Синчалак» деб ном қўйганда ҳам ўқувчиларга даставвал эриш туюлган. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён»и ҳам аввал бошда ғалати туюлган бўлиши мумкин. Чунки ўзбек тилида «Меҳробдан чиққан чаён» дейилади. Қодирий инглиз, рус, араб тилларида мавжуд бўлган грамматик шаклни қисқа ва лўнда бўлгани учун дадил қўллади ҳамда буни халқ қабул қилди.

«Арабизм», «форсизм», «архаизм» каби тамғаларда мантиқнинг йўқлиги шуки, аввало Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Синолар ўз асарларини араб тилида ёзиб, ватандошимиз Замахшарий араб тилининг грамматикасини яратиб, бу тилнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар ва биз бу кун яшаб турган минтақада туркий тил ёнида араб ва форс тили ҳам баробар қўлланилган. Бизнинг мумтоз шоирларимиз деярли барчаси форсий тилда ҳам шеърлар битганлар ва бу тилни иккинчи она тили даражасига кўтарганлар. Биз кундалик ҳаётимизда юзлаб, минглаб араб ва форс сўзларини ишлатамиз. «Ҳокандоз»дан то «ситора»гача, «рубойи»дан то «илми нужум»гача аллақачон ўзбек луғатига кириб кетган. Халқ уларни ўзиники қилиб олган. Алишер Навоий жаҳон шоирлари ичида энг кўп сўз ишлатган, луғати бой шоирлардан бири ҳисобланади. Унинг тилини «архаик» десак, ўрганиб, қайта жон бахш этмасак, Навоийнинг ўзи бизникию, шеъри бизники эмас, деган бўламиз.

Олий Мажлис сессиясида Президент Ислом Каримовнинг қалам аҳли бўлган депутатларга қарата «Нега халқимиз учун Навоий шеърларини англаш бугун қийин?» дея берган саволида она тилимиз бошига тушган қисмат дарди бор эди. Дарҳақиқат, Навоий ўзбекнинг даҳо шоири деб ғурурлансак, Навоий номи билан энг катта кўчалар, бош кутубхоналар, шаҳар, вилоятларни атасак-да, ўзимиз унинг шеърларини ўқиб тушунмасак, бундан оғир кўргилик борми?

Бугун Афғонистонда яшаб турган ўзбеклар Навоийни биздан кўра яхшироқ тушунадилар. Негаки, улар шўро даврини ҳам, тил ва алифбо ислоҳотларини ҳам бошдан кечирмаганлар.

Дарҳақиқат, бир миллатни йўқотиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас, балки тили ва тарихий хотирасидан жудо қилиш кифоя экан. Шеъриятда тил ва тарихий хотира мужассам бўлади. Навоий замонида ҳар бир илмли инсонга маълум бўлган Қуръон суралари, ҳадис сўзлари, маълум-машҳур ривоятлар, пайғамбарлар қиссалари, тасаввуф асосларини бизлар ўрганмаганмиз ва Навоий тилини луғатга қараб тушунсакда, мазмун-моҳиятини, нозик санъатини англашимиз мушкулдир.

Мумтоз шеъриятни англаш мустақил мамлакатимизда бошланган қадриятларни тиклашдек улкан, кенг кўламли ишнинг бир қисмидир. Йўқотишларимиз миқёсини тасаввур қилсак, қайта топиш жараёнининг ҳали кўп ўн йилликлар давом этишини англаш мумкин.

### Бобилми ёки Вавилон?

Ташқаридан сўзлар қабул қилиш барча тилларга хос ва барча тилларда ўз грамматик ва талаффуз қоидалари асосида сўз қабул қилиш қоидаси бор. Масалан, ҳолат маъносини билдирувчи лотинча «positio» (позитио) сўзи рус тилида позиция, француз тилида «позисион», инглиз тилида «позишн» тариқасида ишлатилади ва ҳеч ким асли лотинчада қандай бўлса шундай талаффуз этишни талаб қилмайди. Бизнинг исмларимиз литвонияликлар тилида Ахмадас, Маҳмудас, Муҳаммадас бўлади ва биз бундан хафа бўлмаймиз. Руслар ҳам «палов»ни «плов» деб, «Жаббор»ни «Джаббар», «Муҳаммад»ни «Магомет» десалар айб эмас, лекин биз «борщ»ни «борш» деб, «цирк»ни «сирк» деб айтсак ёки ёзсак гуноҳи азим ҳисобланади.

***Юввошликдан ўзгаларни***
***Елкамизга миндирдик.***
***Ёт сўзларни айтолмасдан***
***Тилимизни синдирдик.***

Русча сўзларни ва рус тили орқали кириб келган сўзларни фақат русча талаффуз қилишга, ҳатто рус тилига бузиб кўчирилган сўзларни биз ҳам бузиб ёзиш ва ўқишга мажбур эдик. Масалан, Ҳамлет, Ҳайне, Ҳамбург номларини Гамлет, Гейне, Гамбург тариқасида ёзиб, айтиб келдик ва ҳозирда ҳам шундай. Бутун дунё Сурия, Бобилун, барбар, деса руслар лотин ёзувини кириллицада ўқиб Сирия, Вавилон, варвар, деб қабул қилганлар ва биз ҳам шундай хато ёзиб, хато ўқидик ва бу хатолик ҳали ҳам давом этмоқда.

Четдан келган сўзларни халқимиз аллақачон ўз тилига мослаб олган. Биз доктор, машина, стакан, рюмка деб ёзсак ва айтишга уринсак-да халқ дўхтир, мошин, истакон, румка деб ишлатади ва англаб-англамай халқаро қоидаларга амал қилади. Бильакс тилшунос олимлар сунъий қоидалар билан ўз она тилимиз қонуниятига ҳам, халқаро қонуниятга ҳам зид иш тутадилар.

Қурбон ота деган шоир «мотоцикл» сўзини аруз вазнига сололмай армон билан ўтган экан. Дарҳақиқат, «мотоцикл» сўзи аруз у ёқда турсин, ўзбек шеърининг ҳеч бир вазнига тушмайди. Негаки, мотоциклнинг ғилдираги айланса ҳам уни айтишга тил айланмайди. Агар мабодо бизда ҳам ўша халқаро қоидалар амал қилиб, халқ қабул қилгандек «мотоцикл»ни «матасекил» десак, бу сўзни ҳамма вазнга солиш мумкин бўлади.

Халқаро сўзларни таржима қилиш ёки ўз она тилимизга мослаш халққа қулай қилиш баробарида ўша сўзларни бадиий адабиётда, аввало, шеъриятда қўлланишини ҳам таъминлайди.

Орзу қиламанки, «атом» сўзи ўзбекчада «зарра» деб ишлатилсаю, мен шундай туюқ ёзсам:

***Боқий эрмаслар қуёш ҳам,***
***зарра ҳам,***
***Парчалангай парчаланмас***
***зарра ҳам.***
***Лекин эй дил, руҳ абаддир,***
***руҳ абад,***
***Ўзгасига қилма***
***парво зарра ҳам.***

Қани, «рюмка», «стакан» сўзлари ҳам ўзимизнинг сўзларга айланиб, шеърий тилга кирса:

***Қуй эй соқий, лаболаб***
***румка эрмас, истаконимга,***
***Қани, мастона хобимда***
***етишсам истагонимга.***

### Ғалати машҳур

Тошкент вилоятида ёндош икки шаҳар бор: Ангрен ва Оҳангарон. «Ангрен» сўзи «Оҳангарон»нинг рус тилида қабул қилинган шакли эканини биров билар, биров билмас. Худди шундай «отдош», «адаш»га айланган, «бойи таламон», «байталмонга», «гап кўп-ку, умр оз» деган мақол «гап кўп, кўмир оз»га айланган.

Булар ғалати машҳур, яъни шуҳрат топган, ўрганиш бўлиб қолган хатолардир.

Кейинги йилларда тилимизга «олийгоҳ», (институт) сўзи кириб қолди. «Қароргоҳ», «Саждагоҳ», «Жанггоҳ» сўзларидаги жой маъносини билдирувчи «гоҳ» қўшимчаси олдидан предмет ёки ҳаракат номини англатувчи сўзни қўшиб атама ясаш мумкин. «Оромгоҳ», «тайёрагоҳ», дейиш хато эмас. Ҳатто «илмгоҳ», «сиҳатгоҳ» дейиш ҳам мумкин. Лекин «олийгоҳ» дейишимиз ғалати машҳурдир. Чунки «гоҳ» қўшимчаси сифат билан ишлатилмайди.

Ғалати машҳур гаплардан яна бири таклиф қоғозларига ёзиладиган «лутфан таклиф этамиз», деган иборадир. «Лутф» сўзининг маъноси русча «любезность», «снисходительность»га тўғри келади. «Лутфан таклиф этамиз» иборасини русчага таржима қилса, «приглашая вас оказываем вам снисходительность (любезность)» деган маъно чиқади. Аслида «Лутфан ташриф буюришингизни сўраймиз», деса тўғри бўлади. Шунда «просим оказать снисходительность (любезность) посещая наш дом» деган маънони англаш мумкин.

Ўзбек тилида саноқ билан ёндош сўзга «лар» қўшилмайди. Ўнта китоб, деймиз, ўнта китоблар эмас.

Кейинги вақтда «лар» қўшиб ишлатиш хато урф бўлмоқда.

### «Проба» ўзбекчада қандай бўлади?

Вазирлар Маҳкамасининг бир йиғилишида Президентимиз гап орасида «пожарник» деган сўзни ишлатиб, бу сўзнинг ўзбекчаси «ўт ўчирувчи»нинг сунъий, ясама таржима эканини афсус билан айтиб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат «ўт ўчирувчи» сўзи бамисоли «новвой», «ошпаз» ўрнига нон ёпувчи, ош пиширувчи, деган каби ҳаётда қўллаш қийин бўлган ясама ибора. Шунинг учун халқ бу таржимани қабул қилмай «пожарник» деб ишлатади.

Янги сўз ёки атаманинг луғатга кириши, ўзлашиб кетиши осон эмас. Бунинг тилшуносларимиз яхши биладиган кўпдан-кўп шартлари бор. Шулардан бири ва асосийси, назаримда, қисқаликдир. «Остановка» деган тўрт бўғинли сўз ўрнига икки бўғинли осонгина «бекат» сўзи тез сингиб кетди. Лекин қисқагина «шофёр» ўрнига сунъий ясалган «ҳайдовчи»нинг луғатга кириши қийинроқ. Шунинг учун тилга мослаб олинган «шўпир» сўзини халқ кўпроқ ишлатади.

Америкада бир ёш уйғур йигитдан «унолғи» деган сўзни эшитдим. Микрофон маъносида. Жуда чиройли топилган, тил табиатидан келиб чиққан, бинобарин тез ўзлашиб кетган сўз экан. «Қимматбаҳо металларнинг пробаси» тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида «проба» сўзининг ўзбекчаси устида баҳс кетди. Албатта, давлатчилик тарихи бор бўлган халқларда олтиннинг асиллик даражасини билдирувчи сўз бўлади. Ўша муҳокамада биз ўз тарихимиздан ажралиб қолганимизни яна бир карра ҳис этдик. Ўзбекчада «проба» сўзига муқобил атама бўлмаслиги мумкин эмас. Амир Темур давлатида, хонликлар замонида олтин тангалар зарб этилган, тилла ёмбилар қуйилган. Биз қонуннинг номини вақтинча «Қимматбаҳо металларнинг асиллик даражаси» деб қўйдик. Кўнглимиз тўлмади. Яқинда хоразмлик бир шоира «ёрғит» деган сўз борлигини, олтиннинг қиммати ёрғит билан ўлчанганини айтиб қолди. Бу сўзнинг қанчалик «проба»га яқинлигини ўрганиб кўриш, яъни ушбу сўзнинг асиллик даражасини текшириш тилшунос олимларимизга ҳавола.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида мамлакатимизда қонун ижод қилиш мактаби вужудга келди. Бир қонун лойиҳаси дунёга келгунча, қонун бўлиб эълон қилингунча қанча мураккаб жараёнлардан, баҳсу мунозаралардан ўтишига ўзим гувоҳ бўлиб, иштирокчи бўлиб турибман. Ифтихор қилгудек ютуқларимиз баробарида ҳал қилиниши зарур бўлган бир талай муаммолар ҳам бор. Собиқ шўро замонида ўзбек тилида қонун ёзилмаган. Умуман, Ўзбекистонда қонун ёзилмаган. Барча республикалар учун ҳам Москвада тайёрланган. Шу боис ўзбекнинг девон тили, яъни ҳужжат ёзадиган тили унутилиб кетган. Биз ёшлигимизда бирор жойдан маълумотнома оладиган бўлсак бундай ҳужжат одатда «Берилди ушбу справка...» деб бошланар эди. Кейинчалик маълумотномалар умуман ўзбекча ёзилмайдиган бўлди.

Бугунда фаолият кўрсатиб турган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ташкилий йиғинида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таклифига кўра парламентимиз таркибида норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тузилди. Ушбу комиссияга матбуот ишида тажриба кўрган, қонунчилик амалиётини яхши биладиган Миракмал Миролимов бошчилик қилмоқда. Комиссия бирталай ишларни амалга оширган бўлса-да, ўзбек тили қонун ёзиш тилига узил-кесил айланиб бўлди, деб айтишга ҳали вақт бор.

Бир замонлар Наполеон Бонапарт, қонун қисқа ва тушунарсиз бўлсин, дея кўрсатма берган экан. Халқ ўз ҳақини танимасин, қонунни император қандай талқин қилса, шундай тушунилсин, деган мақсадда у шундай буйруқ бергандир. Халққа ўз ҳуқуқини англатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бизнинг замонда қонун албатта қисқа ва тушунарли бўлмоғи керак. Шу ўринда ҳозирда қабул қилинган гап тузиш қоидамиздаги бир қийинчиликни муҳтарам тилшуносларимиз муҳокамасига ташламоқчиман. Биз гапда кўпинча сабаб-моҳиятни ифода этувчи сўзни жумла охирида ишлатамиз. Шу сабабли узун жумлаларда моҳиятга етиб боргунча гап ўзи нима тўғрисида кетаётганини англамаймиз. Ўқиб бўлгач, юқоридаги жумлага яна бир карра қайтамиз. Рус, инглиз тилларида предмет гап бошида айтилади. Шу боис ҳам қонунларимизни ўзбекчадан кўра русчада осонроқ тушунамиз. Тилимиздан «улким», «унингким» сўзлари билан боғлиқ («который» маъносида) гап қурилиши ҳам чиқиб кетган.

Қонун тилини яратиш учун биринчи навбатда шу муаммони ҳал қилиш керак бўлади.

Иккинчи масала рус тилида ёзилган қонун лойиҳаларини таржима қилиш билан боғлиқ. Тўғрироғи, таржимадаги ҳарфхўрлик билан боғлиқ. Нега энди русчада бир жумла бўлган гап албатта ўзбекчада ҳам бир жумлага сиғиши шарт экан? Нега тушуниш осон бўлиш учун бир неча қисқа ва лўнда жумлаларга бўлиб ташлаш мумкин эмас? Бу ҳам мунозара қилиш лозим бўлган масала. Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирай.

«Ихтирога таааллуқли ахборотнинг муаллиф ёки ундан бевосита ёхуд бавосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди».

Бу жумлада хатолик йўқ. Масала тилимиз хусусияти билан боғлиқ мураккаб жумла қурилиши ҳамда ўзбек ва рус тилларида қонун лойиҳасининг бир хил — муқобил бўлиши талабидир. Илмий муҳокамага лойиқ масала.

Яна бир қийинчилик: араб тилидан кириб келган жамият, миллат, синф, аҳлоқ, маданият каби сўзларни нисбат қўшимчаси воситасида сифатга айлантирамиз: ижтимоий, миллий, синфий, аҳлоқий, маданий ва ҳоказо. Лекин яна бир қанча сўзлар борки, уларни нисбат қўшимчаси билан ишлатиш бизда қабул қилинмаган. Масалан, «давлат» сўзи. Биз араблар ўзи ишлатадиган «давлий» нисбатини қабул қилмаганмиз. Тўғрироғи, асримиз бошида «илмий», «нисбий» каби сўзларни қўллаган маърифатпарварлар-да «давлат» сўзининг нисбатини ишлатмагандирлар, эҳтиёж бўлмагандир ё эсларидан чиққандир. Натижада биз бугун ташкилотларни таърифлаганда «ижтимоий», «диний», «маданий» деб туриб давлат ташкилоти дея ажратиб айтишга мажбур бўламиз.

### Хулоса

Гапирса гап, ўртага қўйса муаммо кўп. Мақоладаги фикрлар баҳс тариқасида ўртага ташланди. Байрам ҳам баҳс учун, муаммоларни айтиш учун баҳона бўлиши бизда яхши анъанага айланган.

Қани эди, энг оммавий газета-журналларимизда «Тил бурчаги» доимий ўрин топса. Қани эди, радио ва телевидениеда ҳам «Бу сўзни қандоқ айтамиз» деган мунтазам дастур бўлса.

Қани эди, чойхонаю улфатчиликларда бозор мавзуси камроқ, тарих, адабиёт, шеър, сўз баҳси кўпроқ бўлса. Афсуски: «Давраларда энди гап йўқ нарх-наволардан бўлак».

Халқ — тил хазинабони. Сўз гавҳарини қабул қилиб олиш ҳам шу ҳакамнинг ҳуқуқи. Шундай бўлгач, тил масаласида илмий даргоҳларда қабул қилган қарорларимиз муаллақ қолмаслиги учун ўша ҳазрат хазинабондан маслаҳат олишимиз зарур бўлади.

Хулоса сўзни айтсак, она тилимизни севиш, у билан ифтихор қилиш, таърифлар беришнинг ўзи кам экан. Тил устида меҳнат қилиш, уни бойитиш, янада гўзал ва қудратли қилиш олим ва ижодкорларнинг, мен ўзбекман деган ҳар бир юрт фарзандининг бурчи экан.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг она тилимизга муносабати ҳаммамиз учун ўрнакдир. Ўрта ва олий маълумотни рус тилида олган, тўқсон тўққиз фоиз ишчилари руслардан иборат бўлган авиасозлар заводида меҳнат қилган, раҳбар лавозимларида ҳам замон тақозосига кўра асосан рус тилини истифода қилган Юртбошимизнинг қисқа вақт ичида ўзбек тилида равон нутқ сўзлаш даражасига етиб олгани, она тилимиз бойлигини кўрсата билиши таҳсинга лойиқдир. Суҳбатлардан бирида давлатимиз раҳбари, она тили ҳам она ерга ўхшайди. Унга ҳам эътибор, парвариш керак, деб айтган эдилар. Она тилимиз тараққиёти учун жон куйдириш намунасини ҳам кўрсатаётган мамлакатимиз Президентидир.

Дарҳақиқат, она тилимиз — она еримиз. Она еримиздаги хазонсиз боғимиз. Уни парвариш қилиш, янги кўчатлар экиб, бу кўчатларнинг тутиб кетиши учун жон куйдириш бизларнинг зиммамиздадир.

## Музокаралар ниҳоясига етди

*Теҳронда Эрон ҳукумати ва атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) вакиллари ўртасидаги музокаралар ўз ниҳоясига етди.*



*Музокаралар натижасида халқаро мутахассислар гуруҳи Эрон ядро объектларини тўла текшириш ҳуқуқига эга бўлишди.*

*Эрон октябрь ойининг охиригача МАГАТЭни ҳеч қандай ядровий қуроллар ишлаб чиқармаётганлигига ишонтириши керак, акс ҳолда МАГАТЭ Эрон масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига муҳокамасига қўяди.*

BBC

## Вазирлар маҳкамасининг янги таркиби

*Боливиянинг янги президенти Карлос Месса Вазирлар маҳкамасининг янги таркибини маълум қилди.*



*Боливия раҳбариятининг алмашиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий инқироз натижасида юз берди. Ўшанда мамлакатнинг аввалги президенти Гонсало Санчес де Лосада ўз оиласи ва бир неча вазирлар ҳамроҳлигида Боливиядан қочиб кетган эди.*

*Янги муваққат Вазирлар маҳкамаси таркибига, ваъда қилинганидек, мамлакатнинг бирорта ҳам сиёсий партиясига тегишли бўлмаган иқтисодчи, сиёсатчи ва давлат арбоблари кирди.*

BBC

## Ҳукумат пулнинг бир қисмини талаб қилмоқда

*Шу йили Германиянинг бир неча фуқароси Сахара саҳросига сафар уюштиришган эди. Сафар давомида улар кутилмаганда гаровга олиндилар. Кейин эса улар Германия ҳукуматининг саъи-ҳаракатлари билан жиноятчилар қўлидан қутилиб чиқдилар. Энди эса ҳукумат гаровдан озод қилинганлардан қутқарув ишлари учун сарфланган пулнинг бир қисмини тўлашини талаб қилмоқда.*



*Давлат озод қилинганларга пул миқдори кўрсатилган мактубни юбораркан, ҳар бир қутқарилган шахснинг молиявий имкониятларини ҳисобга олмоқда.*

Newsru

## Сўралган маблағ ажратилди

*АҚШ Конгрессининг иккала палатаси ҳам президент Жорж Буш маъмурияти Ироқ ва Афғонистонни оёққа турғазиш учун сўраган 87 миллиард долларни ажратиш учун овоз берди.*



*Президент 66 миллиард долларни Ироқ ва Афғонистонда ҳарбий операцияларни амалга ошириши учун, яна 20 миллиардни мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсий аҳволини йўлга қўйиш учун сарфланишини айтди.*

*Конгресснининг иккала палатаси ҳам Президент сўраган 87 миллиард доллардан 85 миллиардини, Сенат эса пулнинг иккинчи ярмини беғараз ердам сифатида эмас, балки қарз сифатида беришга рози бўлди.*

BBC

## Халқ партияси ғолиб

*Швейцарияда ўтказилган парламент сайловида ғолибликни ўнг қанот Халқ партияси қўлга киритди. Маълумотларга қараганда, Халқ партияси 27 фоиз овоз олган. Бу башорат қилинган натижадан анча кўпроқдир. Швейцарияни Европа Иттифоқиги киришига қарши бўлган ушбу партия 200 депутатдан ташкил топган парламентда яна қўшимча ўн битта жойга эга бўлиши кутилмоқда.*



BBC

**Хуршид РАУПОВ** тайёрлади.

# Ироқни қайта тиклаш учун қанча маблағ зарур?

Эртага Испания пойтахти Мадрид шаҳрида Ироқ бўйича донор мамлакатлар вакиллари иштирокида халқаро конференция ўз ишини бошлайди. Икки кун давом этадиган бу тадбирда 2004 – 2007 йилларда Ироқни тиклаш ишларига ажратиладиган маблағ масаласи муҳокама қилинади. Ушбу масала сентябрь ойида Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг Дубайда бўлиб ўтган йиллик йиғилишларида ҳамда "Ироқ бўйича асосий гуруҳ"нинг мажлисида ҳам кўриб чиқилган эди. "Ироқ бўйича асосий гуруҳ"га АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Япония киради.

БМТнинг ривожланиш гуруҳи ва Жаҳон банки экспертлари Ироқни ривожлантириш режаси бўйича ўз хулосаларини билдиришди. Уларнинг гапига қараганда, мамлакатни қайта тиклаш ишларига 14 йўналиш бўйича 36 миллиард АҚШ доллари керак бўлади.

Маълумки, узоқ йиллик Саддам Ҳусайн режими даврида асосий эътибор қуролланишга қаратилгани учун, мамлакат энергетика тизими бутунлай издан чиққан эди. Юқорида тилга олинган маблағнинг каттагина қисми, яъни 12,1 миллиарди шу соҳани модернизация қилишга сарфланади.

Ҳозир Ироқнинг шаҳар ва қишлоқларидаги энг оғир масала тоза ичимлик суви муаммосидир. Шундай ҳам хароб аҳволга келиб қолган сув таъминоти тизими, диктатурани ағдариш учун бўлган ҳарбий ҳаракатлар пайтида бутунлай издан чиқди. Энди эса тезлик билан уларни қайтадан тиклаш ва янгиларини қуриш лозим. Донор мамлакатлар бу иш учун 6,8 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратиши зарур бўлади.



Қолган маблағ эса таълим, соғлиқни сақлаш, ишчи ўринлари яратиш, транспорт, телекоммуникация, турар-жой қурилиши, шаҳарсозлик, қишлоқ ва сув хўжилиги ҳамда бошқа соҳаларни тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Ироқ вақтли коалицион маъмуриятининг фикрича, 36 миллиард доллар маблағ мамлакатни бутунлай тикланиши учун етарли эмас. Ироқ халқининг дунёдаги бошқа барча халқлар каби тинч ва осойишта турмуш кечириши учун яна қўшимча 20 миллиард доллар маблағ зарур бўлади. Бу пуллар БМТ ва Жаҳон банки экспертлари белгилаган 14 йўналишдан бошқа соҳаларга — хавфсизлик, нефть қазиб олиш, маданият ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишга йўналтирилиши керак. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб Ироқда тикланиш ишлари юз фоиз амалга оширилди дейиш қийин.

Мутахассисларнинг фикрича, дастлаб тиклаш ишларига озроқ маблағ ажратилади ва секин-аста кўпайтириб борилади. Чунки дастлабки пайтларда ишлар яхши йўлга қўйилмагани учун маблағларни ўзлаштириш қийин кечади.

Албатта, бунча маблағни ким беради деган савол конференция кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири бўлади. Бу масалада асосий оғирлик донор мамлакатлар зиммасига тушади. Бундан ташқари, тиклаш учун зарур бўлган маблағнинг бир қисмини Ироқнинг ўзи ҳам қоплаши мумкин. Масалан, 2004 йилдаёқ БМТнинг "Нефтни алмаштириш ҳисобига озиқ-овқат" дастури бўйича келадиган маблағнинг бир миллиард доллари тиклаш ишларига йўналтирилади. Кейинроқ эса инвестициялар ва солиқлар ҳисобига бу маблағ яна ҳам кўпайиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, конференцияда Ироқ халқи келажагини белгиловчи муҳим масала кўриб чиқилади. Унинг самарали якунланиши эса биринчи навбатда минтақада, қолаверса, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## ЖАНУБИ — ШАРҚИЙ ОСИЁГА САФАР

АҚШ президенти Жорж Буш жануби-шарқий Осиёнинг олти мамлакати ҳамда Австралияга 9 кунлик сафарга чиқди. Ўтган жума куни Япония пойтахти Токио шаҳрида Жорж Буш ва Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда дунёда ечимини кутаётган муҳим муаммолар муҳокама қилинди. Жумладан, Жорж Буш АҚШ ва Япония Шимолий Кореянинг ядро қуролига эга бўлишга интилишига қарши курашда баҳамжиҳат ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, Япониянинг Ироққа молиявий ёрдам масаласида баъзи давлатларга ўхшаб бефарқ турмаганлигини Буш алоҳида қайд этди. Япония Ироқни қайта қуриш ишларида қатнашаётган энг катта донор ҳисобланиб, айни пайтда мамлакат иқтисодиётини, хусусан электр энергияси тармоғини вужудга келтириш учун 1,5 миллиард АҚШ доллари ажратмоқда.

Япониядан сўнг Жорж Буш ўзининг расмий ташрифини Филиппин, Таиланд, Сингапур, Индонезия ва Австралия бўйлаб давом эттирмоқда.

Якшанба куни Таиланднинг пойтахти Бангокда АСЕАН Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар саммити бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари иштирок этган ушбу йиғилишда асосан Шимолий Корея масаласи муҳокама қилинди. Унда Жўрж Буш иштирок этиб, саммитда қатнашаётган 21 дан ортиқ давлат вакилларини терроризмга қарши якдил курашишга чақирди. Агарда, Пхеньян ядро қуроли яратиш йўлида олиб бораётган ишларини бутунлай тўхтатса, АҚШ Шимолий Корея билан ўзаро тинчлик битими тузиши мумкинлигини маълум қилди. Айни пайтда, Шимолий Корея томони ҳам АҚШ билан икки томонлама музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини, унга четдан ҳарбий таҳдид бўлмаслигига кафолат бўлса, ядро қуроли дастуридан воз кечиши мумкинлигини матбуот орқали маълум қилди.



– Бизда Шимолий Кореяга қарши ҳеч қандай ҳарбий ҳаракат режаси йўқ ва бўлмаган ҳам, – деди Буш. – Мен бу ҳақда қайта-қайта тушунтириб келмоқдаман. Энди биз фақат бир нарсани кутмоқдамиз: Шимолий Корея ядро дастуридан воз кечиши керак.

Буш маъмурияти Шимолий Корея билан тинчлик келишувига эришишга астойдил ҳаракат қилмоқда. АҚШ расмий доиралари президент Бушнинг жануби-шарқий Осиё давлатларига қилаётган ташрифи Шимолий Корея масаласини узил-кесил ҳал қилинишига умид қилмоқдалар.

– Шимолий Корея ядро қуролига эга бўлгани билан ҳеч нарсага эриша олмайди. Энг муҳими, бу қурол мамлакат иқтисодиётининг ўнгланишига ёрдам бермайди. Қуролланиш ҳеч кимнинг қорнини тўйғизган эмас, — деди АҚШ давлат котиби Колин Пауэл.

«Би-би-си» мухбирининг хабар беришича, Бангкокда давом этаётган саммит қатнашчилари Тинч океани ҳудудига кирувчи давлатларда эркин савдо муносабатларини жонлантиришга ҳам эътибор қаратди. Бундан ташқари, Шарқий Осиёда тарқалган ғайриоддий зотилжам касаллигига давлатлараро ишлаб чиқилган ягона дастур орқали курашиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Агарда бу вирус қайтадан тарқалса, кўплаб давлатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши эътироф этилди.

Саммитда Россия Федерацияси президенти Владимир Путин ва Хитой Халқ Республикаси раҳбари Ху Цзиньтао сўзга чиқди.

Таиланддан сўнг Жорж Буш Сингапур, Индонезия ва Австралияда бўлиб, жума куни АҚШга қайтади.

**Юнус БЎРОНОВ.**

## Қимматга тушди




**Хитойнинг Шанхай шаҳридаги осмонўпар бинога суғуртасиз чиққан 27 ёшли безорига 15 кунлик қамоқ жазоси берилди. "Шанхай дейли" газетасининг ёзишича, "қаҳрамон" Ван Хуанга 420 метрли бинони забт этиш учун 1 соат вақт кифоя қилган, холос. Бино қўриқчилари тентак йигитни шаштидан қайтара олишолмай полиция чақиришга мажбур бўлишган. Тартиб ўрнатувчилар эса бино томида бекорчи "қаҳрамон"ни қўл кишанлари билан кутиб олишди.**

**"Бунга ўхшаш воқеалар бино тарихида энди бўлаётгани йўқ. Авваллари ҳам Ван Хуан каби бино томига чиқишни ихтиёр этган "қаҳрамон"лар учраб турарди", дейилади газета хабарида.**

## Бирлашган Қироллик миллий байрамлари

Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, тили, урф-одатлари бўлгани каби, ўз миллий байрамлари ҳам бўлади. Миллий байрамлар мамлакатнинг тарихи, маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Улар турлича нишонланади. Британия миллий байрами Америка, Франция ёки Ўзбекистондаги сингари кенг нишонланмайди. Маълумки, Бирлашган Қироллик тўртта – Шотландия, Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландия ҳудудларига бўлинган. Шу тўрттала ҳудуднинг ўз миллий байрамлари бор.

Шотландиянинг миллий байрами 30 ноябрда нишонланади. У авлиё Эндрю куни деб аталади. Эндрю Исонинг афсонавий 12 шогирдидан бири бўлиб, у Шотландиянинг авлиё ҳукмдори ҳисобланади. Ўрта асрлардан бери авлиё Эндрю ўлдирилган номаълум хоч – шотландияликларнинг миллий рамзи саналади.

Авлиё Жорж куни – Англиянинг миллий байрами. Авлиё Жорж Англиядаги авлиё ҳукмдори ҳисобланади. Бу байрам 23 апрелда нишонланади. Авлиё Жорж ҳақидаги афсона VI асрда пайдо бўлган. Унда айтилишича Авлиё Жорж оғзидан олов пурковчи даҳшатли аждаҳони ўлдириб, бахтсиз бир қизалоқни қутқариб қолган. Унинг номи, шунингдек, 1338-1453 йиллардаги юз йиллик уруш давомида, қизил хоч байроғи остида жанг қилган Англия рицарлари томонидан тилга олинган. Ҳозирги кунда ҳам авлиё Жоржнинг қизил хоч байроғи Англиядаги черковларда Авлиё кунининг белгисини билдириб, хилпираб турибди.

Уэльс миллий байрами – Авлиё Дэвид куни бўлиб, ҳар йили 1 мартда байрам қилинади. Дэвид Менивиа 520-588 йилларда яшаб ўтган. Авлиё биринчи аббат руҳонийдир. Бу кунни Уэльс аҳолиси бошига сариқ наргис гули ёки кўк пиёздан гулчамбар кийиб нишонлайдилар. Ҳар иккала ўсимлик ҳам Уэльснинг миллий рамзи сифатида қадрланади.

Шимолий Ирландиянинг миллий байрами ҳам юқорида кўрсатилган учта байрам номига ўхшаш, яъни авлиё Патрик кунидир. Бу байрам Шимолий Ирландияда расмий байрам ҳисобланиб, 17 мартда нишонланади. Мазкур байрам тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у узоқ даврга, яъни 389-461 йилларга бориб тақалади. Авлиё Патрик Британияда туғилган бўлсада, аммо у қароқчилар томонидан ўғирланиб кетилган ва олти йил давомида умри қулликда ўтган. У Ирландияда христианликни тарғиб қилиш билан шуғулланган.

**Улуғой ДОЛИЕВА.**

*Муносабат ва мулоҳаза*

*"Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган соғлом янги авлод 10 миллион 924 кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Болгария ва Молдова Ўзбекистондан 10 баробар, Венгрия, Чехия, Туркманистон ва Қирғизистон 5 баробар, Тожикистон 3 баробар, Қозоғистон 2 баробардан кўпроқ орқада. Мамлакат келажаги бўлган ёш фуқаролар сони бўйича Ўзбекистон Украинадан ўзиб кетди".*

**ЮНИСЕФнинг "2003 йил ижтимоий мониторинги" тадқиқотидан**

# ЯНГИ АВЛОД

**ёхуд тўлқинни ҳаракатга келтирувчи куч хусусидаги шахсий фикрлар**

### 1. Куч-қудрат манбаи

Бирор ишни бошлашдан олдин, ўйлаганимни амалга оширсам, унинг натижасидан, аввало, ўзимнинг кўнглим тўладими, ўзгаларнинг ҳам сал бўлса-да юраги жиз этадими, дея ўйлаб қоласан.

Сизга ҳавола этилаётган ушбу мулоҳазалар битилаётган пайтда ҳам шундай ўй-хаёллар кўнглимдан кечди. Уларнинг оқ қоғозга тўшишига эса нуфузли ва холис халқаро ташкилот ўтказган тадқиқотдан келтирилган юқоридаги иқтибос – парча сабаб бўлди.

Оташқалб шоиримиз Чўлпоннинг халқни денгизга, тўлқинга қиёслаган шеърини кўпчилик ёд билади. Гўзал ўхшатиш. Бир тасаввур қилинг-а, шамол ва тўфонлар таъсирида пайдо бўлган тўлқин ўз йўлидаги ҳар қандай тўсиқни супириб кетади. Чунки бу ҳақиқат замирида ана шу тўлқинни ҳаракатга келтирувчи куч бор.

Хўш, Чўлпон назарда тутган мажозий маънодаги тўлқин – халқни ҳаракатга келтирувчи, миллатнинг эртанги кунини белгилаб берувчи қудратнинг манбаи қаерда? Ҳеч иккиланмай жавоб бериш мумкинки, бу куч манбаи шу халқнинг, шу миллатнинг навқирон авлоди - баркамол ёшлари сиймосида мужассам.

Айтмоқчи бўлганимиз, тадқиқотчиларнинг эътирофига кўра, бизнинг янги соғлом авлодимиз бугун 10 миллион нафардан ошган экан, бундан ҳар қандай одамнинг қалбида эртанги кунга ишонч, фахр-ифтихор туйғулари уйғонмайдими?

### 2. Узлуксиз спорт ҳаракати модели

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор бериб келиняпти. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантириш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, 1992 йилнинг январь ойидаёқ Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Президентимиз таъкидлаганидек, эркин ва озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, фақат ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, Ватан ва халқ манфаати учун бутун борлиғи билан курашадиган инсонларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс.

Бироқ юқорида зикр этилган долзарб вазифани бажариш учун, аввало, ўқувчи-ёшларда қизиқиш уйғотиш, уларни спортга жалб қиладиган, миллий таълим доирасида ўтказиладиган, ёшларни соғломлик, комиллик ва гўзалликка интилиш руҳида тарбиялайдиган ўзига хос оммавий ҳаракатни шакллантириш зарур эди.

Барча таълим босқичларини ўзаро боғлайдиган спорт тизимини яратиш борасидаги изланишлар бошланди. Аввалига қатор вазирликлар, жамоат ҳамда тегишли спорт ташкилотлари ёрдамида жойларда ўқувчилар дастлаб турли машғулот ва мусобақаларга жалб қилинди.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган узлуксиз таълим модели ҳаётга жорий этила бошлангач, унга уйғун ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларини оммавий спортга кенг жалб этадиган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларидан иборат уч бўғинли ягона тизим яратилди. Унинг негизида эса умуммиллий узлуксиз спорт ҳаракати юзага келди.

Ҳозирги кунда даврий матбуотни ёки теле ва радиоканаллар янгиликларини кузатган киши деярли ҳар куни ёшларимизнинг турли соҳалардаги ютуқлари, илмий ишлари, ихтиролари, спортдаги ғалабалари ҳақида қувончли хабар топади. Халқаро фан олимпиадаларидан тортиб, нуфузли кўрик-танловларда юртимизнинг навқирон йигит-қизлари ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олмоқда.

Ана шу ютуқлар асосида ҳам, бугун Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган янги соғлом авлод 10 миллион 924 кишини ташкил этиши замирида ҳам, таълим соҳасидаги жаҳонда ўхшаши бўлмаган узлуксиз спорт тизимининг салмоқли ҳиссаси борлиги шубҳасиз.

Мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир инсон бундан ҳар қанча ифтихор қилса арзийди. Лекин ана шундай ғурурланиш баробарида, биз бундай натижага қандай эришдик, деган саволга аниқ жавоб топиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш янада улуғвор мақсадларимизга етишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши табиий. Чунки, бизнинг халқимиз азалдан ўз ўтмишини, тарихини унутмаган, аждодларини эъзозлаган ҳолда, навқирон авлоди ҳақида қайғуриб, ёруғ келажакка, юксак тараққиётга интилиб яшаган. Ва ҳозир ҳам шундай.

### 3. Тадқиқот қиёслашдан бошланади

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени мустақил юртимизнинг биринчи орденидир. Бу ҳам ўзининг буюк келажагига интилаётган халқимизнинг соғлом авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида қарашидан, ҳар бир эзгу ишимиз замирида баркамол авлод орзуси ўрин олишидан яна бир далолат эди.

Ҳар қандай иморат пойдевордан бошланади. Мураккаб ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамай, молиявий имкон топиб лицей ва коллежлар қурилиши, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилгани, таъбир жоиз бўлса, эртанинг пойдеворини яратиш эди.

Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ, деганларидек, узоқни кўзлаб қилинган ана шу ишларнинг самараси бугун халқаро ташкилотлар тадқиқотида манаман, деб бўй кўрсатиб турибди.

Айрим сиёсат ва давлат арбобларининг мен зўрман, ҳамма ишларим яхши, қўшниларимиз эса келажакни орзу қилиб депсиниб ўтирибди, деган ҳавойи гаплари содда одамларни лақиллатишга қаратилганини сезиш учун катта ақл шарт эмас, назаримда. Чунки бор ҳақиқат қиёслаш жараёнида ойдек равшан кўринади. ЮНИСЕФнинг "2003 йил ижтимоий мониторинги" эса айнан қиёслаш тамойилига асосланган.

### 4. Умидимиз ҳам, ишончимиз ҳам — ёшлар

Давлатимиз раҳбари бир гапни кўп такрорлайдилар: мен ёшларга таянаман, умидим ҳам, ишончим ҳам шу ёшлар. Уларни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялашимиз керак. Улар биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши лозим. Мамлакатимизнинг эртанги куни қандай бўлиши ҳам ана шу ёшларга боғлиқ.

Ҳар қандай юртнинг ёшларини шу халқнинг чексиз қудрат манбаига менгзасак, муболаға бўлмаса керак. Кўрсатилаётган ғамхўрликдан руҳланган ёшлар - Чўлпон айтмоқчи халқнинг тараққиёт денгизида кучли тўлқинни ҳаракатга келтира олиши — бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам бугун халқаро тадқиқотчилар қайси давлатнинг қанча 17 ёшгача бўлган янги соғлом авлоди борлигини ҳисоблашга уринмоқда. Шунинг учун ҳам аввалида бизнинг ҳаракатларимизга бефарқ қараганлар бугун биздаги каби мусобақа ва оммавий тадбирлар ўтказишга интиляпти, болалар спортини ривожлантириш ишига худди илк бор ўзлари кашф қилган янгилик сифатида қарамоқда. Лекин биз бошқаларнинг "америка очишига" зинҳор қарши эмасмиз. Зеро, бу ҳам танлаган йўлимизнинг яна бир амалдаги эътирофи бўлади.

**Озод БЕК,**
**журналист.**

*Жажжи рисола*

## АЗИЗ ВА ЁҚИМЛИ СУҲБАТДОШ

Қўлингизга яқингинада "Ижод дунёси" нашриёт уйининг компьютер бўлимида тайёрланган "Оз-оз ўрганиб доно бўлур" рисоласи тушган бўлса, билингки, сиз яхши бир суҳбатдош топгансиз. Бунинг боиси бор. Гап шундаки, ҳамкасбларимиз — "Тошкент оқшоми" газетаси ижодкорлари саъй-ҳаракати билан мазкур газета саҳифаларида мунтазам бериб бориладиган ҳикматли сўзлар, донолар бисотидан олинган дурдоналар, дидактик руҳдаги ҳикоя ва ривоятлар тўпланиб, жажжи рисола тайёрланибди.




Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ўқувчига мўлжалланган китобчанинг аввали ватанпарварлик ҳақидаги дурдоналар билан бошланади. Фарзандлар ота-оналарини нечоғли эъзозлашлари лозимлиги, улар ота-она учун жон эканлиги, бордию у ноқобил бўлса, озори жон бўлиши мумкинлиги таъкидланади.

"Яхши дўст — туганмас хазина", "Ҳақиқий дўст — энг буюк бойлик", дейилади рисоланинг дўстлик ҳақидаги бандида. Бундай пурмаъно сўзларни ҳалоллик ва тўғрилик, яхшилик, илм ва ҳунар, сиҳат-саломатлик, меҳнат, ёшликка бағишланган бўлимларда ҳам ўқиб, мағзини чақсангиз, роҳатланасиз, руҳиятингиз маънавий бойликка тўлади. Рисолада бундай дидактик ҳикоялар, маталлар ва доноларнинг ҳикматли сўзлари билан бир қаторда шеърий афоризмлар ҳам жамланган.

Бобокалонларимиз китобни офтобга қиёслашгани бежиз эмас. Чунки офтоб танангизга қанчалик ҳузур-ҳаловат, куч-қувват бағишласа, китоб ҳам шунчалик ҳарорат ва руҳий қувват ато этади. Чунки у ҳар бир инсон учун азиз ва ёқимли суҳбатдош. Таърифи келтирилган мазкур рисола ҳам Сиз, азиз китобсеварларга ана шундай ҳамроҳ бўлса деймиз.

**Умида ФАЙЗИЕВА.**

*Марказий Осиё ўйинлари*

# Саккиз имкониятдан еттита олтин



Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ўйинларида спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни тўла оқлашди. 36 та олтин, 26 та кумуш ва 20 та бронза медали қўлга киритилди.

Душанбе рингларида боксчиларимиз нималарга қодир эканликларини намойиш этдилар. Бангкокда ўтказилган жаҳон чемпионатида фақат кумуш ва бронза медаллари билан чекланган чарм қўлқопчиларимиз бу гал еттита олтин медалга сазовор бўлдилар. Финалга чиққан саккиз боксчимизнинг фақат бир нафаригина мағлубиятга учради. Баҳодир Султонов, Дилшод Маҳмудов, Икром Бердиев, Шерзод Абдураҳмонов, Сергей Михайлов ва Рустам Саидовлар ўз вазн тоифаларида Марказий Осиё ўйинларининг чемпионлари бўлишди. Яна бир нафар спортчимиз шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Уч боксчимиз эса мусобақанинг бронза медали билан тақдирланишди. Улар бу билан келгуси йили Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олиш учун жиддий тайёргарлик кўраётганликларини намойиш этдилар.

Осиёнинг энг кучли эркин курашчилари ҳисобланган Адҳам Очилов (55кг.), Дилшод Мансуров (60кг.), Магомед Ибрагимов (96кг.)ларга «кичик қитъа олимпиадаси»да тенг келадиган рақиб топилмади. Бундан ташқари, ушбу спорт турида уч вакилимиз ҳам совриндорлар сафидан ўрин эгалладилар. Юнон-румчиларимиз эса "эркинчи"лардан яхшироқ натижага эришдилар: 4 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза.

Енгил атлетикачимиз Гўзал Қуббиева 100 ва 200 метр масофаларга югуришда Марказий Осиёнинг тенгсиз спортчиси эканлигини исботлаб, юртимизга иккита олтин медални туҳфа этди.

Ёш теннисчимиз Иванна Исроилова мусобақага жўнаб кетар экан, Марказий Осиё ўйинларида биринчи бор иштирок этаётганлигини баён қилиб, ушбу баҳсларда унга энг асосий рақиби дугонаси — Оқгул Омонмуродова бўлишини айтган эди. Ҳақиқатдан, учрашувларнинг барчасини ўз фойдаларига ҳал қилган икки ракеткачимиз финалда ғолиблик учун курашдилар. Бунда Оқгулнинг қўли баланд келди. Жуфтлик ўйинлари вакилларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Сарвар Икромов ва Мурод Иноятов жуфтлиги финалда имкониятни бой бериб қўйган бўлса, Оқгул ва Иванна жуфтлиги эса юртимизга навбатдаги олтин медални тақдим этди.

Спортнинг таэквондо, ўқ отиш турларида ҳам вакилларимиз Марказий Осиё ўйинларида совриндорлар сафидан жой олдилар.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**А. ИЛЁСОВ**
**(«Жаҳон» АА)**
**олган сурат.**




## «Шарқда Ёшлар ҳаракати»

ЎзРФА Тарих институти ва Ижтимоий тарих халқаро институти (Амстердам) ҳамкорлигида Темурийлар тарихи Давлат музейида «Шарқда ёшлар ҳаракати тарихи» мавзусидаги халқаро анжуман ўтказилди. Унда АҚШ, Корея, Франция, Австралия каби 20 дан ортиқ чет давлатлардан олимлар иштирок этди. Илмий анжуманда нафақат Ўзбекистондаги ёшлар ҳаракати, балки жаҳон миқёсида ёшлар ҳаракатининг юзага келиши ва уларнинг дунё бўйлаб ёйилиши, турли минтақаларда ҳаракатнинг ўзига хос кўринишлари бўйича маърузалар тингланди. Бундан ташқари, анжуман давомида хорижий олимлар ўзлари олиб бораётган илмий тадқиқотлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ҳурматли ёшлар !**

**СИЗЛАРНИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ**

**«БИЗНЕС МАРКАЗИ»**

**олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрлов бўлимига ўқишга таклиф қилади.**



**Тайёрлов бўлимида барча фанлар бўйича машғулотлар ташкил қилинган бўлиб, дарсларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўрта маълумот олиш дастури доирасида, тестлар асосида олиб борадилар. Машғулотлар куннинг иккинчи ярмида соат 15.00дан 18.00гача ўтказилади, яъни сизда куннинг биринчи ярмида ишлаш ёки ўқиш имкони бўлади.**

*Ўқиш муддати — 9 ой.* *Пул тўлаш нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

*Машғулотлар 2003 йил 22 октябрдан бошланади.*

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**55-55-68, 55-50-77, 56-75-00.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, асосий бино, «Бизнес маркази» бўлими, 1-25 хона.

## Кунчиқар мамлакат санъати

Япониянинг таниқли «Кокоо» гуруҳи шу кунларда Ўзбекистонда ўз санъатларини намойиш қилишмоқда. Самарқандда бўлиб қайтган гуруҳ аъзолари навбатдаги концертни Тошкентда — Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театрида ўтказишди. Бўлиб ўтган концертда томошабинлар кунчиқар мамлакат миллий мусиқасидан баҳраманд бўлдилар.

**Улуғой ДОЛИЕВА.**

**UNHCR Tashkent** on behalf of all **UN Agencies** in Tashkent is seeking applications from candidates to fill a vacancy for the position of***Telecommunications Operator.***

The position will involve responsibilities for radio/telephone communication,regular radio checks with all UN agencies, tracking of all UN vehicle movements throughout the country, answering the telephone calls and transmitting them to the staff concerned, regular checking of telecoms equipment.

Qualifications required: the successful candidate will be between 20 - 40 years old, familiar with word processing and possessing technical skills to resolve minor problems of telecommunications. Good practical knowledge of English and clear / distinct articulation are very essential for the position.

**Deadline for submission of applications is 27 October 2003.**

Application Forms shall be collected from the receptionist at the following address: 14, Torobiy Str., Tashkent. (Please attach your photo and a copy of the National Passport).

**ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**

**Чет эл ваколатхонаси**

**УЙ ёки БИНО изламоқда (вариантлар).**

**Асосий талаблар:** марказ, таъмирланган бўлса мақсадга мувофиқ.

**Барча таклифлар кўриб чиқилади.**

**Алоқа вақти — соат 10.00 дан 18.00 гача.**

**Телефонлар:** 115-28-83, 115-28-84, 127-28-19.

*БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**АҚШда ишлаб чиқарилган технологик ускуналар, машина ва агрегатлар сотиб олиш учун кичик ва ўрта тадбиркорликни АҚШ экспорт-импорт банки кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютада қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.**

- импорт контракти банк томонидан молияланиши – 100 минг АҚШ долларидан 5 млн.АҚШ долларигача;
- кредит муддати – 7 йил;
- қарз олувчининг ўз маблағлари иштироки – лойиҳа қийматининг камида 25%;
- гаров таъминоти – кредит қийматининг камида 120%.

АҚШдаги потенциал технология ишлаб чиқарувчиларни излашда сизга қуйидаги интернет-сайтлар ёрдам беради:
www.processfood.com
www.packexpo.com
www.buyusa.com
www.aphoriatech
www.keyww.com
www.usamanufacturers.com

***Лойиҳангизни муваффақиятли амалга ошириш учун ACDI/VOCA (АҚШ) компаниясининг юқори малакали маслаҳатчилари жалб қилинган.***

NBU

Қўшимча маълумотлар учун Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармасига ёки банкнинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилишингиз мумкин. Телефонлар: 137-62-73, 137-63-48.
*www.nbu.com.*

**«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ**

*дебиторлик қарзларини ундириш;*
*ҳар қандай хўжалик ва фуқаролик низолари юзасидан иш юритиш;*
*корхоналарни тезкор давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;*
*корхоналарга юридик хизмат сифатида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.*

HIMOYA

Хизматлар лицензияланган.

Ҳақ тўлаш ишнинг натижалари бўйича амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., А.Икромов к., 13-уй (Мўлжал — метронинг «Х.Олимжон» бекати). Телефонлар: Тошкент ш.: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72, 105-82-33. Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Улуғбек Узоқовга оналари
**Дилбар ЗОКИРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими, академик, физика-математика фанлари доктори, профессор
**Маҳамаджон ЮНУСОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Ўзбек мумтоз адабиёти бўлимининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Сайфиддин Рафиддиновга падари бузруквори
**САЙФУЛЛОҲОЖИ отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» жамоаси Давлат илмий нашриёти фалсафа ва ҳуқуқ таҳририятининг етакчи муҳаррири Носир Муталовга онаси
**ШАҲОДАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси ТИФда маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси Ғиёсиддин Бобохўжаевга онаси
**МУҲАББАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 967. 22656 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 23456